Даставвал шунга айтиш керакки, Юнусобод — пойтахтимизнинг энг йирик ва аҳолиси зич ҳудудларидан бўлиб, бу ерда 312 мингдан зиёд фуқаро истикомат қилади. 4711 та кичик бизнес субъекти, 70 та йирик корхона, шунингдек, бир неча савдо мажмуаси, 4 та бозор, 58 та МФЙ, 19 та тиббиёт муассасаси фаолият юритяпти. Кўриниб турибдики, тумanning ижтимоий-иқтисодий пойдевори мустаҳкам. O'zLiDeP туман кенгаши, хусусан, унинг негизини ташкил қилувчи қуйи бўғинлар томонидан олиб борилаётган ишлар қўламини ва самардорлиги ҳам шунга мувофиқ бўлиши керак, албатта.

Эътироф этиш зарурки, 2013 йил давомиди кенгаш мутасаддилари партия мавқеини янада мустаҳкамлаш борасида муайян ишларни амалга оширдилар. Чунончи, O'zLiDeP шаҳар кенгашининг амалий ёрдами билан Савдо-саноат палатаси, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ҳудудий бўлинимаси, «Камолот» ЁИХ билан бир қанча ташкилот ва муассасаларда турли тadbирлар ташкил этди. Айниқса, Юртбошимиз маърузаларида белгилаб берилган устувор йўналишлардан келиб чиқувчи вазифалар, O'zLiDeP дастурий максadлари хусусида «Билол полвон», «Шоҳ продукт плюс», «Стем қурилиш», «Кичик тулпор», «АЗН» каби ўндан ортиқ меҳнат жамоаси ҳамда маҳалалардаги қуйи ташкилотларда партиянинг амалий ишлари, аёллар ва ёшларга оид партиявий лойиҳалар, аъзоларнинг ислохотларга дахлдорлик ҳиссини қучайтиришга қаратилган ғоявий-сиёсий тadbирлар шулар жумласидандир. Бундай мисоллар туман кенгаши ва қуйи бўғинларда жонланиш юз бераётганидан dalolat бериб, танқиддан тегишли хулосалар чиқарилганини кўрсатади.



**«БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИ
ТАШАББУСКОР ВА ИШЧАН,
ПАРТИЯНИНГ ТАКТИК
ВАЗИФАЛАРИГА МУВОФИҚ ИШ
ШАКЛИ ВА УСЛУБЛАРИНИ ТЕЗ
ЎЗГАРТИРИШ ҚОБИЛИЯТИГА ЭГА
БЎЛИШИ ВА АҲОЛИНИНГ ДОЛЗАРБ,
КУНДАЛИК МУАММОЛАРИНИ ҲАЛ
ЭТИШДА АМАЛИЙ ТАДБИРЛАРНИ
БАЖАРИШИ КЕРАК».**

O'zLiDeP Уставидан.

Аммо шунга қарамай, БПТлар билан ишлаш, депутатлик гуруҳларининг электротат манфаатларига хизмат қилувчи амалий ишларни хали ҳам қутилган даражада, деб бўлмайди.

Буни туман партия ташкилотининг 2013 йилдаги фаолияти ҳам кўрсатиб турибди. Кенгашнинг БПТлар билан ишлаш бўйича консултант К.Азизхоннинг маълум қилишича, 1 январь ҳолатига ҳудуддаги

партия аъзолари сони 1647 нафардан иборат. Бу эса Юнусобод аҳолисининг 0,5 фоизини ташкил этади. Жойларда эса 128 та бошланғич ташкилот фаолият кўрсатмоқда. Ҳўш, бу Юнусободдек йирик туман учун озми, кўпми?

Муқояса учун пойтахтнинг энг кичик ҳудуди — Бектемир тумани билан солиштириб кўрайлик. Айни пайтда ушбу ҳудудда 30 мингга яқин аҳоли

истиқомат қилади. Бу ерда 15 та йирик, 926 та кичик корхона фаолият кўрсатмоқда. 12 та МФЙ бор. Туман аҳолисининг деярли 11 фоизи O'zLiDeP аъзоси. 41 та қуйи тузилма атрофида 3028 партия аъзоси бирлашган.

Мантқан фикр юритилса, Юнусободда партия аъзолари сони Бектемирга нисбатан бир неча баробар зиёд бўлиши лозим. Тўғри, гап сонда эмас. Лекин партия ғоялари, хусусан, O'zLiDeP Сайловолди платформаси мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш сиёсий нуфузимизни мустаҳкамловчи асосий омил эканини инобатга олсак, масаланинг қанчалик муҳим экани янада равшан бўлади. Шу маънода туман кенгаши масъулари, айрим депутатлар, партия фаоллари хали-ҳануз мавжуд имкониятлардан тўла фойдалана олмаяптилар, дея хулоса чиқариш мумкин.

— Шубҳасиз, ички имкони-

ятларимиздан, фаолларимиз салоҳиятидан самаралироқ фойдаланишимиз керак, — дейди биз билан суҳбатда туман кенгаши раиси ўринбосари Д.Зайнутдинова. — Сиёсий Кенгаш Ижроия қўмитаси қарори асосида ташкил этилган Ишчи гуруҳи томонидан туман партия ташкилоти фаолиятида аниқланган камчиликлар биз учун сабоқ бўлди. Ҳозир уларни бартараф этиш, тавсия ва таклифларни амалиётга татбиқ этиш чораларини кўряпмиз.

Дарҳақиқат, ишчи гуруҳи томонидан ўтказилган бир қатор тadbирлар, очик мулоқот ва давра суҳбатларидан кейин 228 нафар киши партия сафида бўлиш истагини билдирган. Ўтказилган ғоявий-сиёсий тadbирларда илгари сурилган 30 дан ортиқ асосли таклиф ва тавсиялар жиддий ўрганиб чиқилипти. Бу эса мазкур туманда ҳам O'zLiDeP фаолияти ижобий томонга ўзгараётганидан dalolat беради.

«Чинозтумангаз»нинг хатти-ҳаракатлари қонунга хилоф

«...Ўрганиш жараёнида хонадонлар билан «Чинозтумангаз» ўртасида томонларнинг мажбуриятлари акс эттирилган шартнома тузилмагани, шунингдек, фуқаролар қарздорлик тўғрисида ёзма равишда огоҳлантирилмагани аниқланди. Газ ҳисоблагичларни ўз вақтида текширтирганлар ҳам, текширишдан ўтказмаган абонентлар ҳам огоҳлантиришларсиз ёппасига «меъёрий тариф» тўлов тизимига ўтказилган. Бу эса «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 5-моддаси 4-хатбошиси ва 6-моддаси 1-хатбошисига хилофдир».

Бу сатрлар халқ депутатлари Чиноз туман кенгашидаги O'zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзоси К.Айтинованинг «Чинозтумангаз» раҳбариятга йўллаган депутатлик сўровидан олинди. Айни кунларда мазкур масала ташкилот мутасаддилари томонидан кўриб чиқилипти.

С.Раҳимов номли қишлоқ врачлик пунктида иш олиб бораётган бошланғич ташкилот аъзолари ташаббуси билан жамоатчилик назорати асосида кўриб чиқилган ушбу муаммо шу тариқа ҳал этилмоқда.

Етакчига яна ишонч билдирилди

Халқ депутатлари Қарши шаҳар кенгаши депутати С.Камолов етакчилик қилаётган «Азизбек офсет барака» МЧЖ бошланғич партия ташкилотиди бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов йиғилишида қуйи бўғиннинг 2013 йилдаги фаолияти сарҳисоб қилинди.

Унда қайд этилганидек, ўтган даврда бошланғич ташкилот депутатлик гуруҳи аъзолари, партия туман кенгаши ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда ҳудудий дастурлар ижросини таъминлаш, хусусий сектор вакиллари манфаатини ҳимоялаш, шаҳар инфратузилмасини янада ривожлантириш борасида бир қатор ишларни амалга оширган. Лекин йиғилишда, шунга қарамай, БПТ фаолиятини бугунги кун талаблари даражасида янада такомиллаштириш, партиянинг ғоя ва мақсадларини кенг тарғиб этишда фойдаланилмаётган имкониятлар мавжудлигига ҳам эътибор қаратилди. Тadbирда ташкилотнинг ўтган даврдаги фаолияти қониқарли топилиб, етакчига қайта ишонч билдирилди. Шундан кейин партия фаоллари галдаги вазифаларни кўриб чиқдилар. БПТ фаолиятини янада такомиллаштириш, электротат вакилларини қўллаб-қувватлаш бўйича таклиф-мулоҳазалар муҳокама этилди.



Бу мансаб эмас — масъулият

Республика ОИТСга қарши курашиш марказида O'zLiDeP бошланғич ташкилоти иш бошлади. Шу муносабат билан ўтказилган йиғилишда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, O'zLiDeP фракцияси аъзоси Раҳматулла Қаримов сўзга чиқиб, Президентимиз маърузаларидан келиб чиқувчи устувор йўналишлар, «Соғлом бола йили» Давлат дастури ижросини назорат қилишда партия фаоллари олдида турган долзарб вазифалар хусусида атрофлича сўз юритди. — Партия таянч нуқтасига етакчилик қилиш мансаб ёки имтиёз эмас, балки катта масъулиятдир, — деди йиғилиш якунида янги БПТ раислигига сайланган олий тоифали врач Г.Шокирова. — Биргаликдаги саяё-ҳаракатларимиз билан юртимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларда фаол иштирок этиш, партия дастурий ғояларини тарғиб-ташвиқ этиш фаолиятимизнинг асосий йўналиши бўлади.

Давлат дастури ижросида фаол иштирок этамиз

Жарқўрғон туманида O'zLiDeP Сурхондарё вилоят кенгаши ташаббуси билан «Соғлом бола йили»да амалга оширилаётган кенг қўламли ишларда партия электротати вакиллари ва БПТларнинг фаол иштирокини таъминлаш»

мавзуида очик мулоқот ташкил этилди. Тadbирда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O'zLiDeP фракцияси аъзолари, маҳаллий кенгаш депутатлари, ҳокимлик мутасаддилари, тиббиёт муассасалари ходимлари, бошланғич партия ташкилотли раислари ҳамда тadbиркор ва фермерлар иштирок этдилар. Мулоқотда O'zLiDePнинг «Соғлом бола йили»га мўлжалланган лойиҳалари доирасида аҳолининг сиёсий, ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, соғлом турмуш тарзини изчил тарғиб этиш, жойларда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш масалаларига алоҳида диққат қаратилиши зарурлиги таъкидланди.



«Бизнес билан шуғуллан!»

O'zLiDeP Оҳангарон туман кенгаши ва ҳудуддаги БПТлар ташаббуси билан Дўстлик педагогика ва ижтимоий иқтисодиёт касб-ҳунар коллежида «Кичик бизнес ва тadbиркорлик ривожини обод турмушнинг муҳим шартидир» мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

Туман Фермерлар кенгаши, Ахборот-маслаҳат маркази ва солиқ инспекцияси масъуллари, «Микрокредитбанк», «Қишлоққурилишбанк» мутахассислари иштирок этган тadbирда коллеж битирувчиларини тadbиркорликка жалб этиш, уларга хусусий иш бошлаш учун кредитлар ажратилишида амалий ёрдам бериш масалалари атрофлича муҳокама этилди. Партия Оҳангарон туман кенгаши раиси, халқ депутатлари Тошкент вилоят кенгашидаги депутатлик гуруҳи аъзоси Шунқор Умурзоқовнинг ёшларни ташаббускорликка, кузқини фаолиятга андовчи «Бизнес билан шуғуллан!» номли маърузаси иштирокчиларга манзур бўлди.

Жасур ЮЛДАШЕВ,
O'zLiDeP Оҳангарон туман кенгаши раиси ўринбосари.

«Устоз Жўраҳон ая» мулоқот ўтказди

Норин туманидаги «Устоз Жўраҳон ая» фермер хўжалигида фаолият юритаётган бошланғич ташкилот ташаббуси билан «Тadbиркор ва фермерларни қўллаб-қувватлаш мамлакатимиз иқтисодий ривожланиши ҳамда ишлаб чиқаришни диверсификациялаш омилдир» мавзуида давра суҳбати ўтказилди. Туман қишлоқ хўжалиги ва иқтисодиётига мутасадди ташкилотлар, фермер хўжаликлари раҳбарлари ҳамда партия фаоллари иштирок этган мулоқотда қишлоқ мулкдорларини ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ҳимоялашга оид қонунлар, Президент фармонлари, ҳуқуқат қарорлари, соҳага тааллуқли меъёрий ҳужжатларнинг мазмун-моҳияти, амалиётдаги ижроси хусусида фикр-мулоҳазалар билдирилди. Мутахассислар тadbир иштирокчиларининг қўллаб саволларига жавоб қайтардилар.

Ўз муҳбиримиз.

Ўн тўққизтаси қониқарсиз

Қуйи бўғинлар ҳаётидаги муҳим жараён — ҳисобот-сайлов йиғилишлари Жиззах вилоятида ҳам юқори талаблар асосида ўтмоқда.

Шу кунгача вилоятдаги 399 та БПТнинг 122 тасида ҳисобот-сайлов йиғилишлари ўтди. 2.5 мингдан зиёд партия аъзоси фаол иштирок этган тadbирларда 103 нафар етакчи қайта сайланди. 19 та БПТ фаолияти қониқарсиз, деб топилди. Шу ўринда жойларда партиянинг мақсад ва вазифалари кенг тарғиб этилгани, жойларда турли учрашув ва мулоқотлар ташкил этилаётгани натижасида 685 нафар фуқаро O'zLiDeP сафида бўлиш истагини билдирганини таъкидлаш мумкин. Натижада БПТлар сони 67 тага кўпайди.

Тadbирларга жамоат ташкилотлари вакиллари, депутатлар, таниқли тadbиркорлар ҳамда фермерлар таклиф этилаётгани эса ҳисобот-сайлов йиғилишларида муҳокама этилаётган долзарб масалалар юзасидан таклифларни жамлаш имконини ҳам бераётди. **Акрам ШАҲАРОВ,** O'zLiDeP Жиззах вилоят кенгаши масъул ходими.



БПТлар учун

XXI ASR ижтимоий-сиёсий газетасига

имтиёзли ОБУНА давом этмоқда.

Мурожаат учун телефон: (8-371) 215-63-80



Мижозлар сафи кенгаймоқда

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар жараёнида иқтисодиётнинг қон томири саналган банклар фаолиятини такомиллаштириш, уларнинг сармоявий имкониятларини янада кенгайтириш алоҳида аҳамият касб этади

Акбар МУЗАФФАРОВ,
«XXI asr»

Мухтарам Юртбошимиз томонидан банк тизимини ислоҳ қилиш, пул-кредит муносабатларини эркинлаштириш масаласига доимо катта эътибор қаратилаётгани бежиз эмас. Молия бозорида 2009 йилдан бери фаолият кўрсатиб келаётган «Asia Alliance Bank» очик акциядорлик-тижорат банки ҳам юқоридagi талаблардан келиб чиқиб, мижозларга хизмат кўрсатиш сифати ва маданиятини оширишга ҳаракат қилаяпти.

Ўтган давр мобайнида «Asia Alliance Bank» универсал банк сифатида сифатли ва тезкор банк хизмати билан мижозлар ишончини қозонди. Бугунги кунда ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларни ҳисобга олиб, барча молиявий йўналишларда стратегик ривожланишни сақлаган ҳолда юқори тўлов ва ликвидликни ошириб бораётир. Мухими, банк самарали кредит сиёсати туфайли мижозларга янгидан-янги хизмат турларини тақдим этмоқда. Бу эса банк мутахассислари ғайратига-ғайрат қўшиб, мамлакатимизнинг ўнга етакчи банки сафига қўшилишига замин яратмоқда.

Президентимизнинг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони талаблар ижросига ҳам банк мутасаддилари алоҳида эътибор қаратмоқдалар. Хусусан, ушбу хужжатга мувофиқ тадбиркорлик субъектлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш, қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш ва шу орқали миллий иқтисодиётни ривожлантириш муҳим масала сифатида белгиланг олинди. Бундан ташқари, ушбу фармон кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожига, аҳоли даромадларини ошириш ва янги иш ўринларини яратиш имкониятини бераётганини ҳам таъкидлаш жоиз.

Бу борада банк томонидан кредитлаш бўйича муайян дастур ишлаб чиқилиб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик вакилларига имтиёзлик шартларидан микролизинг ва микрокредитлар ажратилапти. Дастур



Мижозларга жаҳон стандартлари даражасида хизмат кўрсатаётган «Asia Alliance Bank» мамлакатимиз иқтисодий ривожига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда.

доирасида иқтисодиётнинг реал секторида фаолият юритаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ҳам хизмат кўрсатилмоқда. Банк, айниқса, хўжалик юритувчи субъектларнинг лойиҳаларини рағбатлантириш, уларни ишлаб чиқариш фаолиятига йўналтириш ва илғор техник ва технологик ускуналар билан таъминлашга алоҳида эътибор бермоқда. Умуман, банк жамоаси бир қанча лойиҳаларни молиялаштириб, корхоналарни модернизация қилиш ва асбоб-ускуналар билан таъминлаш, ишлаб чиқариш сифатини яхшилаш, импорт ва экспорт ўрнини босувчи рақобатбардош махсулотлар ишлаб чиқаришга ҳисса қўшапти.

Айни пайтга келиб «Asia Alliance Bank» сармоялари иқтисодиётнинг муҳим тармоқлари, хусусан, саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт, айниқса, банк кредит портфелининг 80 фоиздан зиёд маблағи қурилиш соҳасига тўғри келаётгани эъти-

борга молиқдир. Банк кредит қўйилмалари қолдиги ҳажми йил бошида 205,45 млрд. сўмни ташкил қилиб, шунинг ичидан 17,00 да мазкур ҳоқимлик биносидан танлов ҳолиби аниқланади. Банк кредит портфели ўтган ҳисобот йили бошига нисбатан 2013 йилда 2 баробарга ортди. 2014 йилнинг 1 январь ҳолатига саноат корхоналарига 107,95 млрд. сўм, қишлоқ хўжалиги тармоғига 4,45 млрд. сўм, қурилиш индустриясига 6,68 млрд. сўм, озик-овқат ва савдо-сотиққа 59,81 млрд. сўм ҳамда бошқа соҳаларга 26,45 млрд. сўм йўналтирилди. Эътиборлиси, биргина кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун банк томонидан 193,17 млрд. сўм ажратилди, бу эса умумий йўналтирилган кредит маблағларининг 74,3 фоизини ташкил этади.

Банк ўзининг ягона ва қучли позицияси, яъни мослашувчанлик сиёсати билан мижозларни ўзига жалб қилиб, шу орқали моддий базасини ҳам изчил кенгайтирмоқда. Бу эса мижозлар аудиториясининг кенгайишига хизмат қилмоқда. Чунончи, 2013 йилнинг бошида ми-

жозлар сони 27 мингга ташқил этган бўлса, жорий йилда уларнинг сони 57,5 мингга етди.

Мижозлар билан ҳамкорликни тўғри шакллантиришда банк ўз ишига уларнинг талаб-эҳтиёжларидан келиб чиқиб ёндашапти. Шу боис, банк таълаган стратегик йўналиш ва у кўрсатаётган хизмат турларига мижозлар қизиқиши тобора ортиб борапти.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, банк жамоаси кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари лойиҳаларини қўллаб-қувватлашга нафақат ўз маблағлари, балки халқаро молия институтлари ва чет эл банклари кредит линияларини ҳам фаол жалб этмоқда. Жумладан, Хусусий секторни ривожлантириш Ислом корпорацияси билан имзоланган шартномага асосан 5 млн. АҚШ доллари миқдоридagi кредит хусусий тадбиркорлик субъектларининг узок муддатли лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтирилган фикримиз тасдиғидир.

Бир сўз билан айтганда, мижозларга жаҳон стандартлари даражасида хизмат кўрсатаётган «Asia Alliance Bank» мамлакатимиз иқтисодий ривожига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда.

ТАДБИРКОРЛАР, ИШБИЛАРМОНЛАР ҲАМДА ФЕРМЕРЛАР ДИҚҚАТИГА!

«XXI ASR» ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ ТАҲРИРИЯТИ
Президентимизнинг «2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади» номили маърузасида белгиланган берилган устувор йўналишлар, долзарб вазифалар, айниқса, хусусий сектор вакилларини қўллаб-қувватлаш борасидagi масалалар ижросини таъминлаш ҳамда жамоатчилик назоратини йўлга қўйишда фаол иштирок этиш мақсадига Сизларни қизиқтираётган саволлар юзасидан мутасадди идоралар вакиллари иштирокида ҳар ойда икки марта тўғридан-тўғри мулоқот уюштирмоқда.

ҚАДРЛИ ФЕРМЕРЛАР, ТАДБИРКОР ВА ИШБИЛАРМОН ЮРТДОШЛАР!
Очиқ мулоқотда фаол қатнашиб, қўйида номлари келтирилган ташкилот, муассаса мутасаддиларига ўзингизни қизиқтирган саволлар ва фаолиятингизга ҳалақит бераётган муаммолар юзасидан муурожаат қилишингиз мумкин. Бутунги кунда тадбиркорликка, қишлоқ мулкдорлари фаолиятини кенгайтиришга қаратилган юксак эътиборга қарамай, айрим ҳудудларимизда соҳани янада жадал ривожлантиришга тўсиқ бўлаётган масалаларнинг ижобий ҳал этилиши, шубҳасиз, юртимиз равнақи ва аҳоли фаровонлигига хизмат қилади. Ўйлаймизки, тўғридан-тўғри мулоқотда кўтарилган мавзудар тадбиркор ва ишбилармон юртдошларимиз, қишлоқларда етакчи кучга айланган фермерларни ҳам бефарқ қолдирмайди.

МАРҲАМАТ, ЁЗИНГ, ҚҲНФИРОҚ ҚИЛИНГ! МУРОЖААТЛАРИНГИЗНИ КУТАМИЗ.

ОЧИҚ МУЛОҚОТГА:

ЎЗБЕКИСТОН САВДО-САНОАТ ПАЛАТАСИ РАИСИ АЛИШЕР ШАЙХОВ,
«АГРОБАНК» ОАТБ БОШҚАРУВИ РАИСИ АБДИВАҲОБ ТАМИКАЕВ,
«МИКРОКРЕДИТБАНК» ОАТБ МУТАСАДДИЛАРИ ТАКЛИФ ЭТИЛГАН.

Учинчи мулоқот **2014** йилнинг **28** мартда «XXI asr» ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририятида (Тошкент шаҳри, Нукус кўчаси, **73-А** уйда) соат **16.00** да ўтказилади. Тадбиркор ва ишбилармонларимизнинг саволларига Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси раиси Алишер ШАЙХОВ жавоб қайтаради.

Умид қиламизки, мулоқотга таклиф этилган мутасадди идоралар вакиллари таҳририят ташаббусини қўллаб-қувватлаб, тадбиркор юртдошларимизни қизиқтираётган саволлар, улар фаолиятига оид ҳаётий масалаларни ҳал этиш учун вақт топадилар.

Саволлар қуйидаги телефонлар орқали қабул қилинмоқда:

(+998 71) 281-40-17, 215-63-80.
(+998 95) 194-83-95, 194-83-96.

Электрон почта: **XXI_ASR@mail.ru**

«GLOBAL SAVDO FAYZ BUXORO» МЧЖ

БОШЛАНГИЧ БАҲОСИ ОШИБ БОРИШ ТАРТИБИДА ЎТКАЗИЛАДИГАН
ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 31.12.2009 йилдаги 343-сонли ҳамда 26.05.2011 йилдаги 153-сонли қарорларига асосан қуйидаги автотранспорт воситаларни қўйилмоқда:

1. Бухоро вилоят ҳокимлиги молия бoшқармасига тегишли, 1999 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 80/212 ААА бўлган «Нексия» русумли автомашина. **Бошланғич баҳоси – 8 600 400 сўм;**
2. «Ўзгасурсуурта» ДАСК (ОАЖ) Бухоро вилоят дирекциясига тегишли 1997 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 80/376 ЕАА бўлган «Нексия» русумли автомашина. **Бошланғич баҳоси – 5 500 000 сўм;**
3. «Ўзгасурсуурта» ДАСК (ОАЖ) Бухоро вилоят Пешку туман бўлинимасига тегишли, 2003 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 80/046 УАА бўлган «Данас» русумли автомашинаси. **Бошланғич баҳоси – 4 800 000 сўм;**
4. «Ўзметкомбинат» ОАЖнинг «Бухорокикиламчиқораметалл» шўъба корхонасига тегишли, 1991 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 80/172 ОАА бўлган «Маз-5551» русумли юк автомашинаси. **Бошланғич баҳоси – 3 800 000 сўм.**

Аукцион савдоси 2014 йил 7 апрель кuni соат 11.00 да бўлиб ўтади. Юқоридagi мулклар 2014 йил 7 апрелдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 2014 йилнинг 14, 21 ва 28 апрель кунлари соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишидан бир соат олдин тўхтатилади. Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «Global Savdo Fayz Buxaga» МЧЖнинг «Халқ банк»нинг Бухоро шаҳар амалиёт бўлимидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: **х/р: 2020800040501774001, МФО: 00116, ИНН: 302468226.**

Қўшимча маълумотлар учун қуйидаги манзилга муурожаат қилишингиз мумкин.

«Global Savdo Fayz Buxoro» МЧЖ.

Манзил: Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10-уй. Телефон: (8365)221-54-43.

«BUXORO GLOBAL REALTOR» МЧЖ

очик танловга таклиф этади!

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарори, Бухоро вилояти Вобкент тумани ҳокимининг 2013 йил 27 сентябрдаги 535 ва 537-сонли қарорларига асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга қуйидаги ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи танловга қўйилмоқда:

1. Тинкувчилик цехи қуриш учун Бухоро вилояти, Вобкент шаҳар Чармагарон МФЙ, Галаба кўчаси ҳудудида жойлашган 360,0 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг **минимал қиймати – 224 064,11 сўм;**
2. Тинкувчилик цехи ва маиший хизмат кўрсатиш биносини қуриш учун Бухоро вилояти, Вобкент тумани, Халач ҚФЙ, Латифсубўнгар қишлоғи ҳудудида жойлашган 1 дона, 204,0 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг **минимал қиймати – 107 504, 4912 сўм.**

Мажбуриятларнинг бошлангич ҳажми Вобкент туман архитектура бўлими томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топшириғи асосида белгиланади. Шаҳарсозлик топшириғи нусхаси талабгорларга танлов ҳужжатлари билан бирга тақдим этилади. Мажбуриятларни бажариш танлов ҳолиби билан танлов мажбуриятларини бажариш тўғрисида шартнома тузилган кундан бошлаб 12 ой муддатда амалга оширилиши лозим. Танловда иштирок этиш учун талабгорлардан бюртномаларини қабул қилиш билдиришнома матбуотда эълон қилинган кундан бошланади ва 2014 йил 7 апрель кuni соат 18.00 да тўхтатилади.

Талабгорлар танловда иштирок этиш учун бюртномана берилишидан олдин ер участкасига бўлган ҳуқуқ минимал қийматининг 10 фоиз миқдордаги закалатни закалат келишувига асосан танлов ташкилотчисининг мазкур билдиришномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига тўлашлари шарт. Танлов қатнашчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Вобкент тумани ҳокимлиги биносида 2014 йил 8 апрель кuni соат 12.00 да очилади. 2014 йил 8 апрель кuni соат 17.00 да мазкур ҳокимлик биносида танлов ҳолиби аниқланади. Комиссия томонидан танлов таклифи энг яхши деб эътироф этилган талабгор танлов ҳолиби деб топилади. Юқоридagi ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи 2014 йил 8 апрелдаги танловда сотилмаган тақдирда, унинг такрорий танлов савдоси 2014 йилнинг 15 апрель кuni соат 12.00 да бўлиб ўтади.

Такрорий танловда иштирок этиш учун талабгорлардан бюртномаларини қабул қилиш 2014 йил 14 апрель соат 18.00 да тўхтатилади.

Танлов ҳужжатлари ва қўшимча маълумотлар олиш учун танлов ташкилотчисининг манзили: Бухоро вилояти, Бухоро шаҳри, Ҳамза кўчаси, 1-уй. Тел/факс: (+99893) 960-69-00, электрон почта: www.bgr.gl.uz

Такрорий танловда қатнашчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Вобкент тумани ҳокимлиги биносидан 2014 йил 15 апрель кuni соат 12.00 да очилади. 2014 йил 15 апрель кuni соат 17.00 да мазкур ҳокимлик биносидан танлов ҳолиби аниқланади. Ер участкаларига бўлган чекланган (мажбуриятлар олинган) ҳуқуқлар мавжуд эмас. Танлов ташкилотчиси – «BUXORO GLOBAL REALTOR» МЧЖ Бухоро вилоят филиали. Танловда қатнашиш истатида бўлган талабгорлар танлов ташкилотчисидан танлов ҳужжатларини энг кам ойлик иш ҳақининг бир баробари миқдоридagi ҳақ эвазига олади. Талабгорлар танловда иштирок этиш учун танлов ташкилотчисига бюртма хат билан бирга қуйидаги қўйилган илова қилинган бюртномани аниқ нусхада тақдим этади: — юридик шахслар – давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, шунингдек, ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда унинг танловда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома; — жисмоний шахслар – паспорт нусхаси (якка тадбиркор сифатида фаолият юритаётган жисмоний шахслар – давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси), танловда ваколатли вакил қатнашганда ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ҳолда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома; — танлов ташкилотчисининг банк ҳисоб рақамига закалат тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжатида нусха; — танлов ҳужжатлари талабларига мувофиқ тузилиб, муҳрланган конвертларга жойлаштирилган икки нусхадаги танлов таклифлари. Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг имзоси, агар талабгор юридик шахс бўлса, унинг муҳри ва ваколатли шахсининг имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Танлов ҳужжатлари олиш учун тўловлар ва закалат пулини тўлаш учун танлов ташкилотчисининг банк реқвизитлари: АТ «Халқ банк»нинг Бухоро филиали, **х/р: 20208000400251607001, МФО: 00116, СТИР: 302468377.**

Тақдим этилган ҳужжатларини барча варақлари талабгорнинг имзоси, агар талабгор юридик шахс бўлса, унинг муҳри ва ваколатли шахсининг имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак. Танлов ҳужжатларини олиш учун савдо ташкилотчисининг манзили: Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳри, Амир Темуր кўчаси, 112-А уй. Тел: (8-361)222-00-84, www.turankzs.kr.uz, turankzs@mail.ru. Лицензия: 0041

«ШЎРТАНГАЗКИМЁ» мажмуаси жамоаси

мунис онахонларимиз,
лобар аёлларимиз ва
барча опа-сингилларимизни
**8 март — Халқаро
ХОТИН-ҚИЗЛАР кун**
билан самимий табриклайди.

Баҳор сурури
Сизларга кўтаринки
кайфият бағишлаб,
байрам қувончи доимо
ҳамроҳингиз бўлсин, азизлар!



➤ БУ — ҚИЗИҚ

**131 киши
яшайдиган
давлат**

Дунёдаги энг «тирбанд» орол Африканинг Виктория кўли ҳавзасида жойлашган.

Мгинго номли «митти қуруқлик»нинг атиги 1,8 км. кв.га тенг ҳудудида бор-йўи 131 киши истиқомат қилади.

Аҳамиятлиси, йиллар давомида Кения ва Уганда ўртасида талаш бўлган орол аҳолиси томонидан бу ерда «сенат республика»си ҳам ташкил этилган.

Маълумотларга кўра, Мгинго 1991 йилгача кимсасиз орол ҳисобланган. Зеро, Виктория кўли атрофида яшайдиган қабиалар ривоятларига кўра, ёвуз руҳлар оролни макон қилиб олишган. Шунинг учун ҳам оролга кўчиб ўтишга қарор қилган икки балиқчи

Далмас Тембо ва Дорж Кибебе авваллиги бу «руҳларни ҳайдаш» тадбирларини ўтказишган. Шундан кейин фотихлар қаторига яна 60 нафар балиқчи қўшилган. 2009 йилда Мгинго аҳолиси 131 нафар кишига етганидан кейин мўъжаз «давлат»нинг «фахрий сенаторлари» —

Тембо ва Кибебе оролга бошқа одам қабул қилмаслик ҳақида қарор қабул қилдилар. Айни пайтда оролда ёнма-ён қурилган хонадонлардан ташқари

бешта бар, тўртта меҳмонхона, шунингдек, гўзаллик салони ва дорихона бор.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, Мгинго айнан икки давлат ўртасида талаш бўлгани учун ҳам (Уганда ҳам, Кения ҳам катта жанжалдан кўриқиб, оролни ўша ерда яшовчи аҳоли ихтиёрига

топиришни афзал деб билган) «мустақил сиёсат» юритиш имкониятини қўлга киритган. Шундай бўлса-да, балиқчилар даромадларининг

25 фоизини солиқ сифатида катта «қўшнилар»ига тўлаб борадилар. Ўз навбатида, орол яқинида балиқ сероб бўлгани боис мгинголиклар

Виктория кўли қирғоқларида яшовчи балиқчиларга нисбатан 2-3 баробар кўпроқ фойда қўришларини айтиб ўтиш жоиз.

Шухрат ХУҲАЕВ.

**«Австралия-2015» йўлланмаси қўлимизда**

Кеча Тошкентдаги «Бунёдкор» стадионида 2015 йилги Осиё кубогининг саралаш баҳслари доирасида БАА терма жамоасига қарши майдонга тушган ҳамюртларимиз 1:1 ҳисобдаги дуранг натижани қайд этдилар. Таъкидлаш жоиз: Миржалол Қосимов шогирдлари меҳмонлар каби кейинги йил Австралияда ўтадиган қитъа чемпионатининг финал босқичида иштирок этиш ҳуқуқини муддатидан аввал қўлга киритгандилар. Шундай бўлса-да, «Бунёдкор»да йиғилган минглаб мухлислар футболчиларимиздан чиройли ўйин, энг муҳими — уларнинг майдонни голиб сифатида тарқ этишларини кутишганди. Бироқ воқеалар ривожини бошқачароқ тус олди.

Яъни беллашувнинг биринчи бўлимда йигитларимиз БАА термаси жарима майдончаси олдида кетма-кет хавфли вазиятларни уюштириб, кўпчилиқда яхши таассурот қолдирган бўлсаларда, иккинчи тайм бошида майдонда суёт ҳаракат қилдилар.

67-дақиқада эса БАА жамоасининг захирадан майдонга туширилган аъзоси Исмоил Алҳаммадий жарима майдонида Виталий Денисовни алдаб ўтиб, посбонимиз билан яккама-якка чиққан ҳолда дарвозани ишғол қилди.

Ўтказиб юборилган голдан кейин вакилларимиз деярли бутун жамоа бўлиб ҳужумлар уюштира бошладилар. Бунда, айниқса, майдонга янги туширилган ёшларимиз фаол иштирок этди. Ниҳоят, 85-дақиқада ана шу ҳаракатлар ўз самарасини берди. Игорь Сергеев ва Сардор Рашидов томонидан амалга оширилган комбинация гол билан якунланди.

Шу тариқа саралаш мусобақаси якунига кўра, 11 очко тўплаган миллий терма жамоамиз ўз гуруҳида иккинчи ўринни эгаллаб, келаси йили қитъамизнинг футбол бўйича энг нуфузли мусобақаси — Осиё кубогига иштирок этишни «расмийлаштириб» қўйди.

➤ ЯНГИЛИК

Гуручга ўнта генератор ўрнатиш мумкин

Техас университети олимлари — С.Рао ҳамда Ж.Чиао кичик ҳажмдаги шамол электрогенераторларидан фойдаланиш борасида қўрилмаган натижага эришиш арафасида эканини билдиришди. Иштирокчиларнинг фикрича, битта шамол генератори паррагининг узунлиги атиги 1,8 мм.ни ташкил этади. Ҳайратланарли томони, битта гуруч донасига худди шундай ускунадан 10 тасини ўрнатиш мумкин. Модуль қурилмага эса микрогенераторлар жамланмасини ҳам жойлаштира бўлади. Бошқача айтганда, бу мўъжаз қурилма юзлаб шамол тегирмонлари, мобил телефонлар, планшет ва бошқа электрон қурилмаларни ҳам қувватлантира олади.

Эътиборлиси, мустаҳкам никель қотишмасидан ясалган генератор модулини инсон уст кийимлари енгига ҳам ўрнатиш мумкин. Шу тариқа киши ҳаракатланганида, жумладан, қўлларини силкитганида ҳосил бўлган шамол тўлқини микроқурилма парракларини ҳаракатга келтиради ва аккумулятор керакли миқдордаги энергияни қабул қила бошлайди. Қурилманинг яна бир афзаллиги шундаки, микрогенераторлар уй деворларига қўшимча «яшил» энергия манбаи сифатида ҳам ўрнатилиши мумкин.

Мадина АЗИЗОВА тайёрлади.



➤ СЎРАНГ, ЖАВОБ БЕРАМИЗ!

**ЙПХ
ходимларининг
бунга ҳаққи йўқ!**

«Кўчалар, йўлнинг автотранспорт воситалари тақиқланган қисмларида йўл-патруль хизмати ходимлари томонидан тўхтаб турган автомобилларнинг давлат рақами белгиларини ечиб олинаётганига гувоҳ бўламиз. Айтингчи, ЙПХ ходимлари ушбу ҳаракатни қайси меъёрий ҳужжатларга асосланиб амалга оширадилар? И.Шукуров, Тошкент шаҳри».

— Автотранспорт воситалари рақами белгиларини Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги органлари ходимлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан 2012 йил 21 майда 2367-сон билан рўйхатдан ўтказилган Низомнинг II бобида назарда тутилган ҳолларда, яъни техник кўрикда носоз деб топилган, шунингдек, белгиланган муддатда техник кўриқдан ўтмаган ёки тегишли рухсатномасиз қайта жиҳозланган автотранспорт воситаларидан ечиб олиниши мумкин.

Қонунчилик меъёрлари ёки бошқа қонуности актларидан ташқари ҳолларда автомобилларнинг давлат рақами белгиларини ечиб олиш назарда тутилмаган.



Гидрометеорология марказининг хабарига кўра, мамлакатимизда 6-13 март кунлари об-ҳаво ўзгариб туради. Ҳафтанинг дам олиш кунлари ёмғир (қор) ёғиши, айрим жойларга туман тушиши кутиляпти. Тоғларда қор кўчиши хавфи бор. Шамол шарқдан 7-12 м/с тезликда эсади.

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида ҳарорат кечаси 2-7 даража совуқ, кундузи 0-5 даража илиқ бўлади. Навоий, Бухоро, Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятларида кечаси –3+2, кундузи 5-10 даража илиқ бўлади. Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида ҳафтанинг охирига бориб ҳарорат кечаси –1+4 атрофида, кундузи 7-12 даража илиқ бўлиши кутилади. Тошкент вилояти ва пойтахтимизда кечаси 0-5, кундузи эса 5-10 даража илиқ бўлади. Фарғона водийси вилоятларида ҳам шундай об-ҳаво бўлиши кутилади. Тоғли жойларда ҳарорат кечаси 0-5 даража совуқни ташкил этса, кундузлари 2 даража совуқдан 3 даража илиққача кўтарилиши мумкин.

БИР ҲОВУЧ ДУР

Бахт — тилакда эмас, билакда.

Бир одам ариқ қазийди, минг одам сув ичади.

Ўзбек халқ мақоллари.

➤ ЭЪЛОН

**ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!****«Асака» банк (ОАЖ)**

яқинлашиб келаётган 8 март — Халқаро хотин-қизлар уни муносабати билан миллий валютадаги қуйидаги муддатли янги омонат турини таклиф этади:

«МУҚАДДАС АЁЛ»

Ушбу омонатнинг сақланиш муддати 12 ой бўлиб, ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

Шу билан биргаликда, «Асака» банк (ОАЖ) қулай шартларда миллий валютада 59 ҳамда хорижий валютада 30 турдаги омонатларини таклиф этади. Омонатларни банкнинг барча филиалларида расмийлаштириш мумкин.

Мурожаат учун телефонлар: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

ФИЛИАЛЛАР	КОД	ТЕЛЕФОН
Тошкент шаҳар филиали	371	120-83-13
Автотранспорт филиали	371	120-39-95
Шайхонтохур филиали	371	140-39-36
Юнусобод филиали	371	221-80-67
Сергели филиали	371	258-67-49
Тошкент вилоят филиали	371	120-84-13
Андижон вилоят филиали	374	224-40-96
Асака филиали	374	233-13-69
Фарҳод филиали	374	226-97-53
Фарғона вилоят филиали	373	224-70-83
Марғилон филиали	373	237-12-37
Олтиариқ филиали	373	432-10-11
Қўқон филиали	373	552-61-04
Наманган вилоят филиали	369	226-94-75
Навоий вилоят филиали	436	223-54-32
Зарафшон филиали	436	573-18-78
Бухоро вилоят филиали	365	223-71-94
Бухоро шаҳар филиали	365	770-11-27
Самарқанд вилоят филиали	366	231-08-86
Афросиёб филиали	366	221-77-56
Қашқадарё вилоят филиали	375	221-12-93
Сурхондарё вилоят филиали	376	770-82-12
Қорақалпоғистон филиали	361	770-60-59
Хоразм вилоят филиали	362	226-97-78
Сирдарё вилоят филиали	367	225-44-03
Жиззах вилоят филиали	372	226-43-11

Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

Сизнинг омонатларингиз:

— солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
— маълумотлар сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!
— эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
— миқдори чекланмаган!



«Асака» банк — сармоянгизнинг сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди!

Хизматлар лицензияланган.

➤ РЕКЛАМА

ЗАЗ FORZA
Автомобили для жизни!**Автосалон в Ташкенте**

тел.: (+998 71) 215-09-11, (+998 91) 162-99-99

ул. Усмана Насира, дом 113 (ориентир - Южный вокзал, АЗС «РОУТАНТ»)



ЗАЗ

www.sardor-avto.uz

Товар сертифицирован

О`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси партиянинг Наманган вилоят кенгаши

Ташкилий-партиявий ишлар бўлими мудри Абдулахад Алимбаевга акаси

Маматхон АЛИМБАЕВнинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.



TADBIKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

ТАХРИРИЯТ: Темур АБДУРАҲМОНОВ, Сайфулла ИКРОМОВ, Шаҳзод НАЗАРОВ, Озод РАҲАБОВ, Муҳаббат РАВШАНОВА, Носир ТОШЕВ, Шухрат ХУҲАЕВ, Маркс ЮСУПОВ.

БЎЛИМЛАР: Котибият — 281-40-17 (тел./факс). Партия туриши ва парламент фаолияти бўлими — 255-64-80, Ахборот ва таҳлил, хатлар ва шикоятлар бўлими — 255-64-80, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти бўлими — 215-60-45, Ешлар ва аёллар масалалари бўлими — 254-03-79, Реклама ва шартномалар бўлими — 215-60-45, 255-68-50, Қабулхона: 215-63-80 (тел./факс).

ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент, Нукус кўчаси, 73А-уй. **ЭЛЕКТРОН ПОЧТА:** axborotXXIasr@yahoo.com, xxi_asr@mail.ru ©«XXI ASR»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт. Муаллифлар фикри тахририят нўқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин. «Ўзбекистон» НМИУ босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

БОШ МУХАРРИР: Мироди АБДУРАҲМОНОВ.

МУАССИС: Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси. «XXI ASR» иқтимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2011 йил 14 июнда 0009 рақами билан қайта рўйхатдан ўтган.

Буюртма рақами: J 9347 Тираж: 19020 Баҳоси келишилган нархда. Топирилди — 20.00

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406

ISSN 2181-497X



Навбатчилар: О.РАҲАБОВ, Н.ҚАҲҚОРОВА.